

Ҳ У К М

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

2021 йил ноябрь ойининг 16 куни, жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, Фарғона вилоят ИИБ 10-сонли тергов хибсхонаси билан видеоконференцалоқа режимида, раислик қилувчи А.Миножиддинов, М.Абдурахимованинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси - Фарғона шаҳар прокурори катта ёрдамчиси А.Хапизов, судланувчи М.Таджибаев ва унинг ҳимоячиси Ф.Абдуллаев, жабрланувчи Б.Эгамов, А.Гадоевнинг иштирокида, Таджибаев Махсуджон Махмудовични айблов ҳақидаги 1-15012105/1964-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Таджибаев Махсуджон Махмудович (Tadjibayev Maxsudjon Maxmudovich) 1992 йил 11 апрелда Қўқон шаҳри туғилган, ўзбек, маълумоти ўрта, Ўзбекистон фуқароси, оилали, 1 нафар фарзанди бор, муқаддам судланган:

- 1) жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2015 йил 9 апрель кунги ажрими билан, ЖКнинг 109-моддаси 2-қисмига асосан юритилган жиноят иши бўйича ЖКнинг 66¹-моддаси тартибида жавобгарликдан озод қилинган;
- 2) жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2015 йил 9 апрель кунги ҳукми билан, ЖКнинг 104-моддаси 1-қисмига асосан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;
- 3) жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2015 йил 30 сентябрь кунги ҳукмига кўра, ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 60-моддаси тартибида, 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;
- 4) жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2019 йил 20 ноябрь кунги ҳукмига кўра, ЖКнинг 25,169-моддаси 2-қисми "в,г" бандлари, 169-моддаси 3-қисми "а" банди билан ЖКнинг 59-моддаси 3-қисми тартибида, 5 йил 1 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг 2021 йил 14 апрель кунги ажрими билан ўталмаган 3 йил 3 ой 18 кун жазоси шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўтамаган, Қўқон шаҳар, Барҳаёт кўчаси 19-уйда яшаган, иш бўйича эҳтиёт чора тариқасида 2021 йил 20 майдан қамоқда сақланмоқда, 2021 йил 25 сентябрь куни айблов ҳулосаси нусхасини олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми "а" банди билан айбланган.



Суд, судланувчи ва жабрланувчиларнинг кўрсатувларини, тарафларнинг музокара, судланувчининг охириги сўзини тинглаб, жиноят иши материалларини ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи М.Таджибаев хавфли рецидивист бўлгани ҳолда 2021 йил 19 май куни соат 01:00 ларда Фарғона шаҳар Ойбек кўчаси 12-уй олдида, қаровсиз ҳолда қолдирилган, Б.Эгамовга тегишли бўлган 40 X 795 VA давлат белгили "Cobalt" русумли автомашинанинг ўнг олд ойнасини, ўзининг олдида бўлган автомашина свечаси билан уриб синдириб, автомашина ичида бўлган 40.000 сўм пулларни яширин равишда талон-торож қилиб, пулларни ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборган.

Бундан ташқари М.Таджибаев ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран, хавфли рецидивист бўлгани ҳолда, 2021 йил 19 май куни соат 02 ларда Фарғона шаҳар Мотрудий кўчаси 30-уй олдида, қаровсиз ҳолда қолдирилган, А.Гадоевга тегишли бўлган 40 Z 117 DA давлат белгили "Lacetti" русумли автомашинанинг чап олд ойнасини, автомашина свечаси билан уриб синдириб, автомашина ичида бўлган 500.000 сўм пулларни яширин равишда талон-торож қилиб, пулларни ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборган.

Судланувчи М.Таджибаев судда, айбига тўлиқ иқроор бўлиб, муқаддам ЖКнинг 169-моддаси билан судланиб, 2021 йил апрель ойида жазони ижро этиш муассасасидан чиққанлиги, отаси касаллиги сабабли Фарғона шаҳрига киракашлик қилиб, 2021 йил 18 май куни Кўқондан отасига тегишли автомашинани бошқариб келганлиги, йўловчиларни манзилига ташлаб, Фарғона шаҳри Мотрудий кўчасига келиб, ушбу кўчада жойлашган 30-уй олдида, қаровсиз ҳолда қолдирилган 40 Z 117 DA давлат белгили "Lacetti" русумли автомашинада пул бор деб тахмин қилиб, ушбу автомашина олдида бориб, ўзининг олдида бўлган автомашина свечаси билан ушбу автомашинанинг ойнасини уриб синдириб, автомашина ичида бўлган 500.000 сўм пулларни ўғирлаганлиги, сўнг у ердан кетиб, Фарғона шаҳар Ойбек кўчасига борганлигини, у ерда ҳам қаровсиз қолган 40 X 795 VA давлат белгили "Cobalt" русумли автомашинани танлаб, автомашинанинг ойнасини, свеча билан уриб синдириб, автомашина ичида бўлган 40.000 сўм пулларни олиб, автомашинани кўздан кечириб, бошқа пул топа олмагач, ўзининг автомашинасига ўтириб, Кўқон шаҳрига қайтиб кетганлиги, автомашиналардан ўғирлаган пулларни ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборганлиги, бир қанча вақт ўтиб ИИБ ходимлари яшаш хонадонига келиб, уни ИИБга олиб кетишганлиги ҳақида кўрсатув бериб, ҳозирда қилмишидан пушаймонда эканлигини, жабрланувчиларга етказилган зарарларни тўлиқ қоплаганлигини билдириб, суддан енгиллик берилишини сўради.

Жабрланувчи Б.Эгамов судда ҳақиқатан ҳам, 40 X 795 VA давлат белгили "Cobalt" русумли автомашина унга тегишли эканлиги, 2021 йил 19 май куни соат 01:30 ларда қўшниси уни чақириб, автомашинасининг



чироқлари ёниқ эканлигини айтганини, сўнг у автомашинасининг олдида борган вақтида, автомашинаси олд ўнг ён ойнаси синиқ холда турганлигини ҳамда автомашинасининг ичида бўлган 40.000 сўм пуллар йўқлигини кўриб, ИИБга мурожаат қилганлиги, суриштирув давомида, унинг автомашинасидан 40.000 сўм пуллар М.Таджибаев томонидан ўғирланганлиги аниқлангани ҳақида кўрсатув бериб, ҳозирда М.Таджибаев томонидан етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги билдириб, унга нисбатан енгиллик берилишини сўради.

Жабрланувчи А.Гадоев судда ҳақиқатан ҳам, 2021 йил 18 май куни соат 21:30 ларда 40 Z 117 DA давлат белгили "Lacetti" русумли автомашинасини Мотрудий кўчаси 30-уй кўп қаватли уй олдида қўйиб, кулфлаб уйига кириб кетганлиги, сўнг 2021 йил 19 май куни соат 04:00 ларда уйғониб, уйининг ойнасидан қараган вақтида, автомашинаси олд қисмидаги ўнг ён ойнаси синиқ холда турганлигини кўрганлиги, автомашинасини кўздан кечириб, автомашинасида бўлган 500.000 сўм пуллар йўқлигини билиб, ИИБга мурожаат қилганлиги, суруштирув давомида, автомашинаси ойнасини синдириб, ичида бўлган 500.000 сўмни М.Таджибаев ўғирланганлигини билганлиги ҳақида кўрсатув бериб, ҳозирда М.Таджибаев томонидан етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлигини, унга нисбатан даъвоси йўқлигини билдириб, судланувчига нисбатан енгиллик берилишини сўради.

Судланувчи М.Таджибаевнинг содир этган жинояти, унинг ўз айбига тўлиқ иқрор бўлиб берган кўрсатувларидан ташқари, жабрланувчи А.Гадоев ва Б.Эгамовларнинг суддаги кўрсатуви, аризалар (и.в. 3, 33), ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси ва фотосуратлар (и.в. 4-11, 34-40), судга оид дактилоскопик экспертизаси 2021 йил 20 май кунги № 266-сонли маълумотномаси (и.в. 13) ҳамда ишда тўпланган бошқа объектив далиллар билан ҳам тўлиқ тасдиқланади.

Суд, судланувчи М.Таджибаевнинг жинойий ҳаракатларини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, қуйидаги хулосага келади.

Дастлабки тергов органи томонидан М.Таджибаевнинг хавфли рецидивист бўлгани ҳолда такроран ўзганинг мулкани яширин равишда талон-торож қилишда ифодаланган жинойий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми "а" банди билан қуйидаги асосларга кўра тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги "Ўзгалар мулкани ўғрилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарорининг 1-бандида, жабрланувчининг ёки бошқаларнинг йўқлигида ўзганинг мол-мулкани яширин талон-торож қилиш ўғрилик ҳисобланиши ҳақида тушунтиришлар берилган.

Иш ҳужжатлари ва судда аниқланган ҳолатларга кўра, М.Таджибаев хавфли рецидивист бўлгани ҳолда 2021 йил 19 май куни 01 ларда Фарғона шаҳар Ойбек кўчаси 12-уй олдида, қаровсиз ҳолда қолдирилган, Б.Эгамовга тегишли 40 X 795 VA давлат белгили "Cobalt" русумли автомашина ойнасини уриб синдириб, автомашинада бўлган 40.000 сўм пулларни, яширин равишда талон-торож қилиб,



бундан ташқари М.Таджибаев такроран хавфли рецидивист бўлгани ҳолда, 2021 йил 19 май куни 02 ларда Фарғона шаҳар Мотрудий кўчаси 30-уй олдида, қаровсиз ҳолда қолдирилган, А.Гадоевга тегишли 40 Z 117 DA давлат белгили "Lacetti" русумли автомашина ойнасини синдириб, автомашинада бўлган 500.000 сўм пулларни яширин равишда талон-торож қилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги қарорининг 3-бандида, жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги;

37-бандида, ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги, бунда, қонунга мувофиқ, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозимлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, қайд этилган Пленум қарори талабларига риоя қилиб, М.Таджибаевга нисбатан жазо тайинлашда оғирлаштирувчи ҳолатлар аниқланмагани, енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида айбига тўлиқ иқроп ва пушаймонлигини, жабрланувчиларга етказилган моддий зарарнинг миқдори (жами 540.000 сўм)ни ва ушбу зарар қопланганлигини инобатга олиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, қонун санкциясида белгиланган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам қисмидан ҳам камроқ қисмини тайинлашни,

ЖКнинг 60-моддаси тартибида тайинланган жазо муддатига илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддатини қисман кўшишни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, суд Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 473, 476-моддаларини қўллаб,

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Таджибаев Махсуджон Махмудович (Tadjibayev Maxsudjon Maxmudovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми "а" банди билан айбли деб топилсин.

Таджибаев Махсуджон Махмудовичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми "а" банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, 3 (уч) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.



ЖКнинг 60-моддаси тартибида мазкур ҳукмга илгариги ҳукм юзасидан тайинланиб, ўталмаган жазо муддатини қисман қўшиб, узил-кесил ўташ учун 3 (уч) йил 6 (олти) ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташ белгилансин.

Жазо ўташ муддати 2021 йил 20 майдан ҳисоблансин.

Жабрланувчиларга етказилган моддий зарар қопланганлиги инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб йигирма сутка ичида Фарғона вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи:

имзо

А.Миножиддинов

нусхаси аслига тўғри:

А.Миножиддинов

